



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 24 » yanvar

№ 27

Toshkent sh.

“Хаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда диний-маърифий соҳадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–68-сон Фармонида мувофиқ “Хаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ–68-сон Фармони билан фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда “Хаж” ва “Умра” зиёратларига бориши билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш жараёнида ортиқча бюрократик тартибларни бартараф этиш мақсадида **“Хаж ва Умра” ягона портали** ишга туширилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, фуқароларга хорижда сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида “Хаж ва Умра” ягона портали “Хаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган зиёратчилар қайд этиладиган ягона тизим ҳисобланади.

2. Дин ишлари бўйича қўмита Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда “Хаж” тадбирларига борувчи фуқароларнинг ягона электрон навбати ҳамда “Умра” тадбирларига юбориладиган зиёратчиларнинг электрон рўйхати шакллантириладиган “Хаж ва Умра ягона портали”нинг доимий равишда фаолият кўрсатишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига **иловага мувофиқ** қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

“Хаж ва Умра” ягона порталининг фаолият механизмларини белгилаш;

“Хаж” ва “Умра” фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштириш;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда вазирлик ва идоралар, ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъатлар ва ташкилий гуруҳларнинг вазифаларини аниқ белгилаш.

4. Дин ишлари бўйича қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси раиси С.Д. Тошбоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил 24 январдаги 27 -сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 7 июндаги 364-сон қарорида:

а) 2-банд “фуқаролар рўйхатининг” сўзларидан кейин ““Ҳаж ва Умра” ягона портали (кейинги ўринларда – Портал)” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) қуйидаги мазмундаги 2¹ ва 2²-бандлар билан тўлдирилсин:

“2¹. Белгилансинки, фуқароларга хорижда сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида 2026 йил 1 февралдан бошлаб “Ҳаж” тадбирига, 2026 йил 1 майдан бошлаб “Умра” тадбирига олиб бориш Порталда мажбурий рўйхатга олиш орқали амалга оширилади. Зиёратчилар тўғрисидаги маълумотларни Порталга киритмасдан ушбу тадбирларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

2². Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси 2026 йил 1 апрелга қадар “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш лицензиясига эга юридик шахсларни ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасини Порталга уланишини ва ундан фойдаланишини таъминласин. 2026 йил 1 апрелдан бошлаб “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш лицензиясини олган юридик шахсларни Порталга проактив тарзда уланишини таъминлаб борсин. Бунда:

Порталга киритиладиган маълумотлар ва уларга қўйиладиган талаблар, юбориладиган СМС-хабарномалар шакли Жамоатчилик кенгашининг тавсияси асосида Дин ишлари бўйича қўмита томонидан белгиланади;

Порталдан фойдаланиш ҳамда унга уланиш учун қўйиладиган техник, дастурий ва ахборот хавфсизлиги талаблари Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Жамоатчилик кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади.”;

в) 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига бориш учун навбатда турган зиёратчиларнинг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, фуқаролар ихтиёрига кўра уларнинг аввалги манзили бўйича навбати сақланиб қолиши ёки янги манзилда янгидан рўйхатга қўйилиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ҳаж” тадбирига борадиган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг барча босқичлари (руҳий-асаб, наркология, тери-таносил, сил касалликлари ҳамда “Ҳаж” мавсумида Саудия Арабистони Подшоҳлигига киришни чекловчи касалликлар юзасидан тиббий кўрик, эмлаш ва бошқаларни) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида, шунингдек, мураккаб ва зиддиятли ҳолатларда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органи томонидан белгиланадиган марказий поликлиникаларидан бирида бепул амалга оширишни таъминласин.

“Умра” тадбирига юборишда тиббий кўрикдан ўтиш ихтиёрий бўлиб, фуқаронинг хоҳишига кўра давлат ёки хусусий тиббиёт муассасаларида ўзларининг ҳисобидан амалга оширилади.”;

г) 6-банддаги “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги “Uzbekistan Airways” АЖ ва бошқа авиакомпаниялар билан биргаликда” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 7-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

е) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши ҳар йилги “Ҳаж” тадбирига борадиган фуқароларни навбатда турган фуқароларнинг умумий сонидан келиб чиқиб, Портал орқали тақсимланиши ва танлаб олинишини таъминласин.”;

ж) иловада:

2-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “тегишли лицензияга эга юридик шахслар” сўзлари ““Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга юридик шахслар (кейинги ўринларда – тегишли лицензияга эга юридик шахслар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг тўртинчи–ўнинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистон мусулмонлари қозийети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакилликлари;

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ички ишлар бош бошқармаларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги вакили;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари бошлиқлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқлари;

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бошқармалари бошлиқлари;”;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Қуйидагилар ҳайъатларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

“Ҳаж” тадбирига боришга навбати келган номзодларни зиёратга тайёргарлик ишларини Ҳаж мавсумидан камида олти ой аввал бошлашни ташкил этиш;

“Ҳаж” тадбирига боришга номзодларни саралашни ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида ижтимоий адолат тамойилига амал қилган ҳолда, “Ҳаж ва Умра” ягона портали (кейинги ўринларда – Портал) орқали амалга оширилишини таъминлаш;

“Ҳаж” тадбирига боровчи зиёратчиларни тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш. Бунда “Ҳаж” мавсумида Саудия Арабистонига киришни чекловчи касалликлари мавжуд фуқароларни барвақт аниқлаш ва уларга тушунтиришлар бериш;

жамиятдаги ижтимоий муҳитни янада соғломлаштиришда ҳамда маҳаллалардаги йўлдан адашганларни соғлом эътиқодга қайтаришда алоҳида намуна кўрсатган имом-хатибларнинг имтиёзли равишда Ҳаж сафарига гуруҳ раҳбари сифатида боришига тавсия бериш;

тегишли ҳудудда давлат ва нодавлат ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг “Ҳаж” ва “Умра” тадбирлари билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари талаблари бажарилишини назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, мазкур зиёратларни ташкил этиш ва амалга оширишда хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслигини таъминлаш;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни мониторингини олиб бориш ҳамда таҳлил қилиш;

тегишли ҳудудда “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларининг амалга оширилиш вақти ва тартиби юзасидан тушунтириш бериш ҳамда “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан фуқароларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш, аниқланган салбий ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш;

Жамоатчилик кенгашининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига тақдим этиладиган квоталар доирасида Портал орқали танлаб олинган “Ҳаж” тадбирига бориш учун навбати келган зиёратчилардан тегисли маблағлар ундирилишини ташкил этиш, уларнинг ҳисобини юритиш;

зиёратчиларнинг бошқа ҳудудларга келиш-кетиши, яшаши, овқатланиши, транспорт харажатларининг қопланиши учун Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланган ҳар бир зиёратчи учун сафар харажатлари сметасига қўшимча тарзда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича алоҳида смета ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тегишли ҳудудда диний ва конфессиялараро бағрикенгликни тарғиб этиш, исломнинг анъанавий ҳанафий мазҳабига зид бўлган радикал-экстремистик мафкураларнинг ўз моҳияти бўйича бузғунчи эканлигини фош қилишга доир Ўзбекистонда диний соҳада олиб борилаётган ислохотларни зиёратчиларга етказиш чораларини кўриш.”;

11, 12 ва 13-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакилликлари ҳайъатининг ишчи органи функциясини бажарадилар.

12. Ишчи орган қуйидаги ишларни ташкил этади:

Портал орқали аниқланган навбати келган зиёратчиларнинг хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилишини таъминлаш;

тўловларни (Саудия Арабистонида ҳар бир “Ҳаж” ва “Умра” зиёратчиси учун шартномага кўра сарфланадиган харажат, авиачипталар, тиббий дори қутчаси учун дори воситалари, “Ҳаж” ва “Умра” қўлланмаси, зиёратчилар камзули, сумка ва бошқалар учун сарфланадиган харажатларни) зиёратчилар томонидан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ҳаж ва Умра тўловлари бўйича банк ҳисобварағига нақд ёки нақд пулсиз тартибда миллий валютада ўтказилишини таъминлаш;

зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, эмлаш, улар билан сафар олди машғулотларини ўтказиш;

“Ҳаж” ва “Умра” мавсумларида зиёратчиларни кузатиш ва кутиб олиш ишларини амалга ошириш.

13. Ташкилий гуруҳлар туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан 7 кишидан иборат таркибда тузилади.

Ташкилий гуруҳлар таркибига, қоида тариқасида, туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари (ташкилий гуруҳ раиси), туман (шаҳар) бош имом-хатиби, туман (шаҳар) ички ишлар органининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлини маси, туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш бўлини, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинилари раҳбарлари киритилади.”;

14-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Портал орқали танланган ва тегишли йилда “Ҳаж” тадбирига борадиган зиёратчилар рўйхатини тузиш ва тасдиқлаш ҳамда Ҳайъатларга тақдим этиш;”;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

14¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14¹. “Ҳаж” тадбирига боришга навбати келган ва Портал орқали танлаб олинган фуқаролар билан манзилли ишлаш, “Ҳаж” тадбири учун зарур пул маблағларни ундириш ва бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ҳокими томонидан 5 кишидан иборат таркибда ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб аталади) тузилади.

Ишчи гуруҳ таркибига, қоида тариқасида, туман бош имом-хатиби, маҳаллага бириктирилган имом, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, маҳалладаги хотин-қизлар фаоли, фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси киритилади”;

16-бандда:

тўртинчи хатбошидаги “чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикерининг олинишини” сўзлари “хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштирилишини” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи–ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда Портални узлуксиз ишлашини таъминлаш, жараёнларни рақамлаштириш, зарур ҳолларда молиялаштириш ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

фуқароларнинг “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига бориши учун Портал орқали ариза бериш имкониятини доимий таъминлаб бориш;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш, ваколатли органлар билан келишиш, ушбу жараёндаги ишларни манзилли ва самарали ташкил этиш.”;

17-бандда:

иккинчи хатбошидаги “ва озиқ-овқат ташкилотлари” сўзлари “озиқ-овқат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи–ўн олтинчи хатбошилар тегишлича учинчи–ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ҳаж” ва “Умра” мавсумлари бошланишидан камида бир ой олдин зиёратчилар учун камзул ва сумка тайёрлаб берувчи ташкилотларни танлаш учун тендер (танлов) ўтказиш ва тендер (танлов) ҳулосаларини Жамоатчилик кенгашига киритиб, Жамоатчилик кенгаши қарорига асосан тендер (танлов)да ғолиб чиққан ташкилотлар билан шартномалар тузиш.”;

еттинчи хатбошидаги “Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг депозит ҳисобварағига шартномада кўрсатилган” сўзлари “ва Саудия Арабистонида Ўзбекистон Ҳаж миссияси учун очилган ҳисобварағига белгиланган” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидан “(паспортларнинг араб тилидаги нусхасини тайёрлаш)” сўзлари чиқариб ташлансин;

тўққизинчи хатбошидаги “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги” сўзлари билан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси билан тегишли” сўзлари “авиакомпаниялар билан тегишли” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Портал ва унинг мобиль иловасини доимий такомиллаштириб бориш, зарур ҳолларда Портал фаолиятини молиялаштириш, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва тўғри ишлашини таъминлаш;

фуқароларни Портал орқали навбатга ёзилиши учун зарур шароитлар яратиш.”;

18-банднинг иккинчи хатбошисидаги “чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикерини” сўзлари “хорижга чиқиш биометрик паспортини” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи—олтинчи хатбошилар тегишлича иккинчи—бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Саудия Арабистонининг Ҳаж ва умра вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талабларни ва Саудия Арабистонининг иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, “Ҳаж” тадбирига борадиган зиёратчиларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш, ушбу зиёратчиларда “Ҳаж” мавсумида Саудия Арабистонига кириши чекловчи касалликлар мавжуд эмаслигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш. Бунда зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг барча босқичлари (руҳий-асаб, наркология, тери-таносил, сил касалликлари юзасидан тиббий кўрик, эмлаш ва бошқаларни) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида, шунингдек, мураккаб ва зиддиятли ҳолатларда ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланадиган марказий поликлиникаларидан бирида бепул амалга оширилишини таъминлаш”;

тўртинчи хатбоши “ўқув машғулотларини ўтказиш” сўзларидан кейин “ва уларнинг хизмат сафарини ташкил этиш” сўзлари билан тўлдирилсин;

20-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Ҳаж вазирлигининг” сўзлари “Ҳаж ва умра вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки АЖ” сўзлари “АТ Алоқабанк” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

миллий ва Саудия Арабистони авиакомпаниялари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўртасида зиёратчиларни ташиш юзасидан шартномалар тузиш, шунингдек, белгиланган муддатда Саудия Арабистонига зиёратчиларни олиб бориш ва олиб келиш бўйича авиақатновлар жадвалларини Саудия Арабистонининг масъул ташкилотлари билан мувофиқлаштириш

ва тасдиқлаш, авиакомпаниялар томонидан ушбу жадвалларга риоя қилинишини ҳамда сифатли хизматлар кўрсатилишини таъминлаш;”;

тўртинчи хатбошидаги “бино ажратиш” сўзлари “жойлар ажратилишини таъминлаш” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банднинг биринчи хатбошисидаги “Давлат божхона кўмитасининг” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона кўмитасининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банддаги “Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди” сўзлари “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Ҳар йили “Ҳаж” тадбирига борадиган фуқароларнинг квоталари Жамоатчилик кенгашининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига тақдим этиладиган квоталар доирасида Ҳайъатларнинг тавсияларини кўриб чиққан ҳолда рўйхатда турган фуқароларнинг умумий сонидан келиб чиқиб Портал орқали тақсимланади.

Жамоатчилик кенгаши квоталарни Порталдаги рўйхатга мувофиқ белгилайди”;

27 ва 28-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Фуқаролар “Ҳаж” тадбирига бориш учун доимий яшаш манзили бўйича навбатга ёзилади, “Умра” тадбирига бориш учун доимий ёки вақтинча яшаш манзилидан қатъи назар, мурожаат қилиши мумкин.

28. Порталнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, техник қўллаб-қувватлаш ҳамда доимий такомиллаштириб бориш мақсадида фуқароларни Порталда “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига рўйхатга олишда Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган миқдорда бир марталик йиғим ундирилади. Йиғим Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус ҳисобварағига йўналтирилади.”;

28¹–28³, 29, 33, 39 ва 41-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

30–32-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“30. Фуқаро Порталда навбатга ёзилганидан сўнг унга аризаси муваффақиятли қабул қилингани тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан СМС-хабарнома юборилади.

31. Порталда рўйхатга олинган фуқаро ўзининг қайси маҳалла фуқаролар йиғинида рўйхатга олинганлигини кўриш имконияти яратилади.

32. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар йилги “Ҳаж” мавсумида Порталда шаклланган ва ташкилий гуруҳ томонидан тақдим этилган рўйхат асосида фуқаролар билан манзилли ишлайди ҳамда “Ҳаж”

тадбири учун тўловлар ундирилишини ташкил этади. Бунда жорий йилги рўйхатга кирган, лекин Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг хабарномасида белгиланган муддатда тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган фуқароларни аниқлаб, улар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудидаги “Ҳаж” тадбири учун тўловларни амалга ошириш имкониятига эга навбатдаги фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни ташкилий гуруҳга тақдим этиб боради”;

34–38-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. Жорий йилда навбати келган фуқаролар Портал орқали ҳажга навбати келганлиги ҳамда Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган муддатда ва миқдорда тўловларни амалга ошириши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан СМС-хабарнома орқали хабардор қилинади.

35. СМС-хабарнома орқали навбати келгани ҳамда тўловни амалга ошириши тўғрисида хабардор қилинган фуқаро унда белгиланган муддатда ва миқдорда тўловларни тўлиқ амалга ошириши ёки “Ҳаж” тадбирига боришга имкони бўлмаган тақдирда, мазкур бандда ҳамда ушбу Низомнинг 36 ва 37-бандларида белгиланган тартибда “Ҳаж” тадбирига бориш навбатини бир йил муддатга кейинга қолдириши мумкин.

Бунда фуқаро Портал орқали ўзининг навбатини кейинги йилга қолдириш тўғрисида электрон ариза берган ҳолда ёки Ташкилий гуруҳга ёзма ариза бериш орқали навбатини кейинги йилга қолдириши мумкин.

36. Фуқаро навбатини кейинги йилга қолдириш тўғрисида ариза берган ҳолларда, Порталда унинг навбати бир маротаба автоматик тарзда кейинги Ҳаж мавсумига қолдирилади ҳамда ушбу фуқародан кейинги навбатда турган фуқарога (агар ушбу маҳаллада навбатда турганлар мавжуд бўлмаса, бошқа маҳаллага, бошқа маҳаллада ҳам навбат мавжуд бўлмаса, бошқа туман(шаҳар)даги маҳаллада энг аввал рўйхатга ёзилганларга) навбати келганлиги ва тўловни амалга ошириши лозимлиги тўғрисида СМС-хабарнома юборилади.

Агарда фуқаро Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган муддатда ёки миқдордаги тўловларни тўлиқ амалга оширмаса ҳамда Портал орқали ёки ўзи мустақил равишда навбатини кейинга қолдириш тўғрисида ариза бермаса, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан юборилган СМС-хабарномада белгиланган муддат тугагандан сўнг, ушбу фуқаронинг розилигисиз Портал орқали унинг навбати кейинги йилга кўчирилади.

Бунда мазкур фуқародан кейин навбатда турган фуқарога (агар ушбу маҳаллада навбатда турганлар мавжуд бўлмаса, бошқа маҳаллага, бошқа маҳаллада ҳам навбат мавжуд бўлмаса, бошқа туман/шаҳардаги маҳаллада энг

аввал рўйхатга ёзилганлардан танлаб) навбати келганлиги ва тўловни амалга ошириши лозимлиги тўғрисида СМС-хабарнома юборилади.

37. “Ҳаж” тадбирига бориш имкони бўлмаган ёки бормаётган фуқаронинг навбати фақат бир мартаба кейинги йилга кўчирилиши мумкин.

Навбати кейинги йилга кўчирилган фуқаро кейинги йилда ҳам Жамоатчилик кенгаши томонидан белгиланган муддатда тўловларни тўлиқ амалга оширмаса ёки бошқа сабабларга кўра “Ҳаж” тадбирига бормаса, ўзининг аризасига асосан, ариза ёзиб бермаган тақдирда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан юборилган СМС-хабарномада белгиланган муддат тугагандан сўнг, фуқаронинг розилигисиз унинг навбати бекор қилинади.

Ушбу фуқаро умумий тартибда қайта рўйхатга туриши мумкин.

38. “Ҳаж” тадбирига бир нафар ҳамроҳи (отаси, онаси, акаси, укаси, опаси, синглиси, турмуш ўртоғи, фарзанди ва бошқа) билан бориш истагида бўлган фуқаролар, қоида тариқасида, биргаликда ариза беришлари лозим.

“Ҳаж” тадбирига боровчи шахс билан унинг ҳамроҳи (бир ҳудудда) турли саналарда навбатга ёзилган бўлса, олдинроқ навбатда турган шахснинг навбати ўзидан кейинроқ турган ҳамроҳи билан ёнма-ён ўринга кўчирилиши мумкин.

Порталда ҳамроҳи билан биргаликда рўйхатдан ўтган талабгорларнинг никоҳи қонуний бекор бўлган ёки “Ҳаж” зиёратини бажариш лаёқатини йўқотган тақдирда, ҳамроҳни танлаган шахс Порталда ариза бериш орқали ўзининг навбатда турган яқин қариндоши бўлган ҳамроҳини (бир ҳудудда бўлса) алмаштириши мумкин. Бунда дастлабки ҳамроҳининг навбати бекор қилиниб, унинг ўрнига янги ҳамроҳ киритилади.

Порталда навбатда турган фуқаро вафот этган тақдирда, унинг навбати бекор бўлади.

Навбатда турган фуқаро исталган вақтда ариза бериш орқали навбатини бекор қилиши мумкин, бунда навбат ундан кейин турган фуқарога ўтади.”;

40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“40. “Ҳаж” тадбирига бориш учун навбат фақат доимий яшаш ҳудуди бўйича шакллантирилади.

“Ҳаж” тадбирига бориш учун навбатда турган зиёратчининг доимий яшаш жойи ўзгарган тақдирда, унинг ихтиёрига кўра аввалги манзили бўйича навбати сақланиб қолади. Фуқаро навбатини янги доимий яшаш ҳудудига ўзгартирмокчи бўлса, унинг эски навбати бекор қилиниб, янги манзилда янгидан навбатга қўйилади.

“Ҳаж” тадбирига бориш учун рўйхатдан ўтишда доимий яшаш манзили тўғрисида маълумот олиш имкони бўлмаган тақдирда, Порталда талабгор бу ҳақида огоҳлантирилади.

Фуқаро яшаш манзили бўйича ноаниқликка туман (шаҳар) ички ишлар бўлимидан аниқлик киритгандан сўнг рўйхатдан ўтиш бўйича ариза бериши мумкин бўлади.”;

42 ва 43-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“42. Ташкилий гуруҳлар тегишли йилда туман (шаҳар) миқёсида “Ҳаж” тадбирларига борадиган зиёратчилар рўйхати квота асосида Порталда тасдиқлангандан кейин ўн кун мобайнида умумлаштиради. Умумлаштирилган рўйхат икки нусхада тайёрланади ва тасдиқланади. Мазкур рўйхатнинг биринчи нусхаси электрон варианты билан бирга ҳайъатларга тақдим этилади. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси ташкилий гуруҳда сақланади.

43. Ҳайъатлар Жамоатчилик кенгашидан ва (ёки) Порталдан олинган рўйхатлар асосида тегишли йилда ўзининг ҳудудидан “Ҳаж” тадбирига борадиган зиёратчилар рўйхатини умумлаштиради, уларнинг хорижга чиқиш биометрик паспорти мавжудлигини ва амал қилиш муддатини, чет элга чиқишга тақиқ йўқлигини текширади, зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини амалга оширади.

Умумлаштирилган рўйхат бир нусхада тасдиқланиб, ҳайъатларда сақланади.”;

44-банддаги “ҳайъатлардан” сўзи “Порталдан” сўзи билан алмаштирилсин;

46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

“46. Тегишли йилда “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига борадиган фуқаролар рўйхатини шакллантиришда қуйидаги қўшимча шартлар инобатга олинади:

“Ҳаж” тадбирига бормоқчи бўлган фуқаро навбатга ёзилиши учун сўнгги беш йилда “Ҳаж” тадбирига бормаган бўлиши (зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳи вакиллари ва гуруҳ раҳбарлари бундан мустасно);

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларига бормоқчи бўлган фуқаролар вояга етган бўлиши.”;

қуйидаги мазмундаги 4¹-боб билан тўлдирилсин:

“4¹-боб. “Умра” хизматларини Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва тегишли лицензияга эга юридик шахслар томонидан ташкил этиш

46¹. Дин ишлари бўйича қўмита, Рақамли технологиялар вазирлиги:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда тегишли лицензияга эга юридик шахслар билан биргаликда улар тўғрисидаги маълумотларни,

шунингдек, “Умра” хизматларини амалга ошириш учун тавсия этилаётган “Умра” пакетлари ва нархлари, тадбирлар амалга ошириладиган кунлар тўғрисидаги маълумотларни Порталда жойлаштирилишини ва доимий янгилаб борилишини таъминлайди;

аҳолини “Умра” тадбирига олиб бориш билан боғлиқ шартномаларни Порталда электрон шаклда расмийлаштириш имкониятини яратади (Портал техник сабабларга кўра ишламаганда, Дин ишлари бўйича қўмита томонидан расмий веб-сайтда эълон қилинган талаблар асосида “Умра” тадбирига олиб бориш билан боғлиқ шартномалар бошқа шаклда ҳам тузилиши мумкин).

46². Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда тегишли лицензияга эга юридик шахслар:

“Умра” тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ барча ҳаракатларни Порталда мажбурий қайд этиб боради;

Порталдаги фаолиятни шахсий кабинетлари орқали амалга оширади.

Порталга кириш ва шахсий кабинетларидан фойдаланиш ҳуқуқи Дин ишлари бўйича қўмита томонидан таъминланади.

Порталга киритилиши лозим бўлган маълумотлар Жамоатчилик кенгашининг тавсиялари асосида белгиланади.

46³. Фуқароларни, шу жумладан фуқаролиги бўлмаган шахсларни ёки хорижий давлатлар фуқароларини (кейинги ўринларда – “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс) “Умра” тадбирига олиб бориш билан боғлиқ маълумотлари Порталга куйидаги усулларда киритилади:

а) “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс Портал орқали Ўзбекистон мусулмонлари идорасини (фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари) ёки тегишли лицензияга эга юридик шахсни ихтиёрий равишда танлаб шартнома тузиши мумкин. Бунда шартномани расмийлаштириш “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахслар томонидан Порталга киритилган телефон рақамига юборилган СМС-кодни Порталга киритиш орқали амалга оширилади.

Портал орқали юборилган мурожаатлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси ёки тегишли лицензияга эга юридик шахс томонидан кўриб чиқилиб, танланган пакетдаги хизматлар мавжуд бўлганда раҳбар ёки ваколат берилган шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш орқали шартнома расмийлаштирилади.

Портал орқали келиб тушган мурожаатлар бўйича шартнома расмийлаштирилганда, хизматлар унда келишилган муддат ва шартларда бажарилади.

Танланган пакетдаги хизматлар мавжуд бўлмаганда Ўзбекистон мусулмонлари идораси ёки тегишли лицензияга эга юридик шахс томонидан мурожаат шартнома расмийлаштирмасдан рад этилиши мумкин.

Шартнома тузиш рад этилганда бу ҳақда “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахснинг Порталга киритилган телефон рақамига СМС-хабар юборилади. Мурожаати рад этилган шахс тегишли лицензиясига эга бошқа юридик шахсни танлаши мумкин;

б) “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс тегишли лицензияга эга юридик шахсга ёки Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ҳаж ва Умра марказига (фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари) шахсан мурожаат қилишлари мумкин. Бунда тегишли лицензияга эга юридик шахс ёки Ҳаж ва Умра маркази “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахсга оид маълумотларни Порталга мустақил равишда киритади.

Маълумотлар Порталга киритилгандан сўнг “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахснинг телефон рақамига СМС-код юборилади ва ушбу кодни Порталга киритиш орқали шартнома расмийлаштирилади. Шартнома тегишли лицензияга эга юридик шахс раҳбари ёки Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Ҳаж ва Умра маркази раҳбари ёхуд улар ваколат берган шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

46⁴. “Умра” тадбирлари шартномаси Порталда расмийлаштирилгандан сўнг, тўлов учун инвойс шаклланади ҳамда “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс(лар)нинг Порталга киритилган телефон рақамига тўлов суммаси кўрсатилган СМС-хабарнома юборилади.

Тўловлар амалга оширилгандан сўнг бу тўғрисида “Умра” тадбирига бормоқчи бўлган шахс(лар)га тасдиқловчи СМС-хабар юборилади. Ушбу тўловларни Портал орқали кўриш имконияти яратилади.

46⁵. Тегишли лицензияга эга юридик шахсларга қуйидаги ҳолларда Порталдан фойдаланиш имконияти тўлиқ ёки қисман тўхтатилади:

Порталдан фойдаланиш талаблари ва шартларига риоя қилинмаганда;

тегишли лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

тегишли лицензияга эга юридик шахс вакилининг ёзма аризаси мавжуд бўлганда;

конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

Порталдан фойдаланиш имкониятини тўлиқ ёки қисман тўхтатиш Дин ишлари бўйича қўмитанинг қарорига асосан амалга оширилади.”;

50-банддаги “Давлат божхона қўмитаси” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси” сўзлари билан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси” сўзлари “Транспорт вазирлиги ҳамда миллий ва хорижий авиакомпаниялар” сўзлари билан алмаштирилсин;


51-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 53-банддаги “Қорақалпоғистон Республикасидаги қозиёти” сўзлари “Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти” сўзлари билан алмаштирилсин;


55-банднинг биринчи хатбошиси “бора олмайдиган фуқарога шахсан” сўзларидан кейин “Портал орқали” сўзлари билан тўлдирилсин;


1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш
ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

“Ҳаж” тадбирларини ташкил этиш
СХЕМАСИ







2 ва 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 5-илованинг 9-позицияси учинчи устунида:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“о) фуқароларни Саудия Арабистони Подшоҳлигига “Умра” зиёратини бажариш учун юбормаслик.*”;

ўн иккинчи–йигирманчи хатбошилар тегишлича ўн учинчи–йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги йигирма иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ж) фуқароларни Саудия Арабистони Подшоҳлигига “Умра” зиёратини бажариш учун юбормаслик.*”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 октябрдаги 668-сон қарори билан тасдиқланган “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 22-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда танлов ғолиблари томонидан тақдим этилаётган қўшимча таклифлар танловнинг қўшимча талаб ва шартлари сифатида белгиланади.”;

б) 26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Агар танлов ғолиби танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун давомида лицензия учун давлат божини тўламаса ёки Танлов комиссияси томонидан танлов ғолиби тақдим этган ҳужжатларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган тақдирда, Танлов комиссияси уни четлаштириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Танловнинг асосий ғолиби четлаштирилган тақдирда, танловнинг захирадаги ғолиби танлов ғолиби сифатида эътироф этилади.

Захирадаги ғолиб томонидан 30 календарь кун давомида ижобий жавоб берилмаса, Танлов комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий танлов эълон қилади.”;

в) 28-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) илованинг 9-позицияси учинчи устунидаги “ж” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Умра” тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ барча қарарларни Портал орқали амалга ошириш, шу жумладан “Умра” тадбирига бораётган зиёратчилар тўғрисидаги маълумотларни сафардан олдин Порталга тулик киритиб бориш;*”.


Изоҳ. 3-банднинг “г” кичик банди 2026 йил 1 майдан эътиборан қўлга киради.